



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
3 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 70
(12.081)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 сентябрь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путинни қабул қилди.

Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Биз кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Ушбу учрашув ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йили Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда ҳамкорликни олий босқичга олиб чиқишга хизмат қилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Мунтазам равишда олий даражадаги мулоқотлар ўтказилмоқда. Икки мамлакат раҳбарлари халқаро ташкилотлар саммитлари доирасида ҳам доимо учрашадилар. Хусусан, яқинда ШХТнинг Душанбе саммити доирасида Президент Ислам Каримов ва Дмитрий Медведевнинг музокараси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига, ҳафсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикр эканини таъкидлаш мумкин. Бу ҳамфикрлик мамлакатларимизнинг наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашдаги ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг ҳарбий ва ҳарбий-техника соҳасидаги алоқалари ҳар-

бий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коиноти тадқиқ этиш буйича давлатларaro дастурлар тузиш ва амалга ошириш каби тadbирларни ўз ичига олади.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодий шерикларидандир. Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойидаги Москвага ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда Авиасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни қамраб олган. Мамлакатимиз ташқи савдосининг 30 фоизи Россия ҳиссасига тўри келади. 2005 йилдан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йиллик 1 миллиард АҚШ долларига кўпаймоқда. 2007 йилда бу борадаги кўрсаткич 4,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида 1 миллиард 610 миллион долларга етди.

Дикқатга сазовор томони шундаки, илгари Ўзбекистон экспортида хом ашё ёки ярим хом ашё салмоқли ўрин тутган бўлса, эндиликда саноат маҳсулотларининг улуши ортмоқда — ани пайтада экспортнинг қарий ярмини саноат маҳсулотлари ташкил этади. Хусусан, энгил автомобиллар, полиз маҳсулотлари ва мена-чева, полистилен, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, трансформатор ва трансформатор подстанциялари, паст вольтли қурилмалар каби маҳсулотлар экспортти, шунингдек, қурулурлар, ҳаво транспорти, сайёҳлик буйича ва бошқа турдаги хизматлар ҳамми мунтазам ошмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Рос-

сияга машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари ва пластмасса, рангли ва қора металллар (руҳ, мис, вольфрам, молибден) ҳамда улардан ясалган буюмлар (кабеллар ва бошқа ўтказгичлар), ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўплаб турдаги техника воситаларини ҳам экспорт қилади. Ўзаро экспорт-импорт қайдномаларида акс этадиган товарлар ва хизматлар сони жуда кўп.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматларaro комиссия мажлислари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон вилоятлари билан Россиянинг федерал субъектлари, икки мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги бевоасита алоқалар ривожланиб бормоқда.

Сармоявий ҳамкорликка алоҳида тўхталиш жоиз. "Газпром", "Лукойл", "Союзнефтегаз", "Стройтрансгаз", "Волгабурмаш" каби компаниялар билан ҳамкорликда ёқилғи-энергетика маҳмуи инфратузилмасини ривожлантириш, қонларни аниқлаш ва ўзлаштириш бораида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2007 йилнинг ноябрида "Лукойл" компанияси билан биргаликда Бухоро вилояти ҳудудидаги "Хазуак" газ қони ишга туширилганини бу йўналишдаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин.

Кўшма корхоналар сонининг ортиши ҳам сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган беш юздан зиёд кўшма корхона фаолият юритмоқда. Россиянинг 145 фирми ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин кўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувлари

рида эришилган келишувлар гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ("Росзарубежцентр") ваколатхонаси фаолият юрсатмоқда. Илм-фан ва маданият намояндалари ҳамда жамоат арбобларининг ташаббуси билан 2004 йили Москвада ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилишни ўзига мақсад қилган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур жамғарма ташаббуси билан турли кўргазмалар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, "Иттифоқчилик муносабатлари шароитида Ўзбекистон ва Россиянинг гуманитар ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Албатта, бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар қанча кенг қамровли ва серқирра бўлмасин, икки томонлама ҳамкорлик ресурсларининг барчаси ишга солинган, дейиш қийин. Ўзбекистоннинг ҳам, Россиянинг ҳам имконияти ва салоҳияти юқори даражада. Масалан, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, ахборот технологиялари, коиноти тadbиркорлар, агросаноат каби соҳаларда кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш икки томон учун ҳам гоят фойдалидир.

Владимир Путин Россия Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги энг муҳим стратегик шериги деб билишни алоҳида таъкидлади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий ҳамкорликни, гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш, сиёсий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА муҳбири.



ҚУВОНЧ ВА ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР НАМОЙИШИ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллик байрами тантаналари кўтаринки руҳ ва уюшқоқлик билан ўтди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами тантаналари вилоятимиз шаҳар ва туманларида "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир!" шiori остида ўтди. Ишчи-хизматчилар, фермерлар ва тadbиркорлар, меҳнат фахрийлари ва ўқувчи-талабалар ҳаётимиздаги энг азиз, энг қутлуг бу байрамни ўзгача шод-хуррамлик билан нишонлашди.

Олмалик ва Бекобод, Чирчик ва Янгийўл шаҳарлари, барча туман марказларида тантанали байрам кечалари ташкил этилди. Ангрен шаҳрида аҳоли барча қатламларининг вакиллари Истиклол майдонида тулганнишди, Юқорида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хил-пираб турбди. Чорлов-муқсикас оҳанглари таралиб, Ўзбекистон мадҳияси янгради. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топаётган мустақил Ўзбекистоннинг улук байрами ўзгача шухуш билан бошланди.

Саҳналаштирилган театр томошаларига санъат уста-

ларининг турли миллат тилида ижро этилган куй-қўшиқлари уланди. "Ўзбекимёмнаш", "Максам — Чирчик" ва бошқа очик ақиядорлик жамиятларининг меҳнат жамоалари ҳам мустақиллигимизнинг 17 йиллигини муносаб билан ютуқлари билан кўтиб олишди. Чирчик шаҳри маҳаллаларида ўтган байрам тантаналарида барча миллат ва элатларнинг фарзандлари шод-хуррамлик қилишди. Чунончи, 14-Семурғ маҳалласида байрам 103 ёшли Ҳафиззахон момо Халимовани зибрат қилиш билан бошланди. Маҳалла фуқаролари йигини раиси Фотима Умарова 70 дан ортик набураю эвар-чеваралар моносини энг азиз байрамимиз билан қутлади.

Бахтиддан ўргилайки, шундай қутлуг кунларга ҳам етиб келдик, — деди момо. — Зурриётларим мустақиллик меваларини баҳраманд бўлиб, ўз бахту тахталарини меҳнат билан яратишяпти. Илоҳим, эрк қўшини ҳаммиса қачнаб турсин.

Маҳалламиздаги 1400 оилада ўзбек, тожик, қозок, рус, татар ва бошқа

миллат фарзандлари ҳамжихат яшашида, — деди фуқаролар йигини раиси. 11-мактаб, 31-болалар богчаси, ўқув-услубий марказ жамоалари бугунги тантаналарга алоҳида ҳозирлик қилишди. Байрам арафасида 38 та кам таъминланган оилага хайрия ёрдами кўрсатдик. Фарзандларини богчага жойлаб 4 уй бекаси ишга қилишга ёрдам бердик.

Мустақиллик байрами Янгибозор ва Эшонгузарда, Гулбахор ва Дўстободда, барча туман марказларида янгича тароват қасб этди. Бу шодийналар шoir айтанидек, мангу истиқлолнинг ёғлиб садолари янграган умумхалк байрами ўзгача фахр-ифтихор билан нишонланди. Эро, миллий Истиклол Ўзбекистон халқининг рубга орзу-умидларини рубга чиқармоқда. Мустақил Ўзбекистон жаҳонга юз тубти, ишонч билан тобора юксалиб бормоқда.

Шаҳар ва қишлоқларда ўтган байрам тантаналарида ўн минглаб одам қатнашди. Пахтадан мўл ҳосил етиштириб, бугун терим арафасида турган фермер

ҳўжаликлари аъзолари, ақиядорлик жамиятлари ходимлари, хусусий тadbиркорлар Мустақиллик байрамини шод-хуррамлик билан ўтказишди. Ҳамма ерда саноат, қишлоқ ҳўжалик ҳамда ҳўнармандлик маҳсулотлари кўргазмалари, ярмаркалар ташкил этилди.

Тошкент Давлат аграр университетини, вилоят Давлат педагогика институтини, мактаб, лицей ва коллежларининг педагогик жамоаларини, талаба-ўқувчилар қувонч билан байрам қилишди. Эро, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги таълим соҳасидаги ишчи-хизматчилар, кадрлар тайёрлаш миллий дастури вази-фарларини амалга ошириш яқиний босқичга кўтарилган паллага тўғри келди.

Ҳамма ерда байрам шодийналари оқшомгача давом этди. Халқ бадий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари, санъат усталарининг Ватан, Озодлик, Эркин ҳаёт халқидеги қўшиқлари, моҳир рақосаларнинг хироми каттаю кичика хушундук, кўтаринки руҳ бағишлади.

Жўрабек МҲОДОВ.

Ўзбекистон-Россия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

АВВАЛ хабар қилинганидек, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 1 сентябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан Владимир Путиннинг 2 сентябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида яқма-яққа суҳбати бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига, ҳафсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ҳамкорларидан эканини алоҳида қайд этиб, мамлакатимиз билан икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш тарафдорли эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар деярли барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик,

транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёгончи қайта ишлаш саноати, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланимоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматларaro комиссия мажлислари ташкил этилмоқда.

2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга хом ашё ва ярим хом ашё маҳсулотлар каторида асбоб-ускуна, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта толаси, қора ва рангли металллар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлони қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳам-

корликда ташкил этилган беш юздан зиёд кўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар орасида "Узэлектроаппарат-Электрощит" (электротехника маҳсулотлари), "Андижон кабель", "Hi-Tech Kabel" (кабеллар), "Вим-Биль-Дан-Тошкент" (сув маҳсулотлари), "Балтимор-Челак" (консерва), "Элипекс" (тўқимачилик), "Электротриолит" (қурилиш материаллари), "Петромарузага" (кимёвий маҳсулотлар) каби корхоналар бор. Юртимизда Россиянинг 145 фирми ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин кўшма корхона фаолият юрсатмоқда.

Ўзбекистон Россиянинг энг муҳим ҳамкорларидан, — деди Владимир Путин. — Россия Ўзбекистон билан алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Стратегик ҳамкорлик тамойиллари асосланган иттифоқчилик муносабатларимизни изчил ривожлантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратган эътиборини юксак қадрлаймиз. Ўзаро алоқала-

римиз юксак самаралар бераётгани бизни гоят қувонтиради. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг муттасил ўсаётгани савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар мустақамлаш бораётганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани диққатга сазовор. Иқтисодийнинг кўплаб тармоқлари, айниқса, ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорликни, узоқ муддатли шериклик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлашдан манфаатдоримиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажминини янада ошириш, кўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2008-2012 йилларда иқтисодий ҳамкорлик буйича ҳукуматларaro дастурнинг тadbирлар режаси ҳамда Ерми ва фазони тинч мақсадларда тadbик қилиш ҳукуматларaro космик дастури имзоланди.

ЎЗА.

Шукрона

«КўНГЛИМ ТОҒДАЙ КЎТАРИЛДИ»

— дейди давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан мукофотланган оҳангаронлик 105 ёшли Ирал бобо Парпиев

Бу хабар сахармардонда бугун Оҳангарон қишлоқларига ёйилди. Узоқ-яқин қишлоқлардан бобони таниган биланларан зибрат қилгани ошқинди. Шу кунни хонадонда чинакам байрам, қуллов тўйи бошланиб кетди.



Ҳозир отахон 19 неварга, 20 дан зиёд чевара-эвараларнинг бобоси.

Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Ирал ота Парпиев "Шухрат" медали билан тақдирланди. Бугун Қорахаттиннинг Тут қишлоғи аҳли Ирал бобонинг оқ фотиҳасио насиҳатларидан мамнун бўлиб, аҳил ва ҳамжихатликда умр кечирмоқдалар.

Саид ҲАСАНОВ,
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ТОШКЕНТ тумани

Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йигинидаги "Нўмон ота" тўйхонасида "Намунали оила келинчаги" кўрник-танловининг туман босқичи ўтказилди.

НАМУНАЛИ ОИЛА КЕЛИНЧАГИ

У туман хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Қизил ярим ой" жамияти, Маънавият тарғибот маркази ҳамда "Ойдин" хотин-қизлар клуби ҳамкорлиги

да ташкил этилди. Танловда тумандаги 7 та қишлоқнинг 7 келинчаги 5 та шарт буйича баҳолашди. Улар таништирув, муаммоли сажна кўриниши, савол-жавоб, пандачилик ва эркин мавзу буйича тайёрлаган дастурла-

рини намойиш этишди. Яқиний натижаларга кўра, Қизилқоқ қишлоқ фуқаролар йигини вакиласи Гулчера Хайдарова танлов гóлибаси бўлди.

Хурият МҲМИНОВА.

2008 йил учун
Обуна
ДАВОМ
ЭТМОҚДА
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг
индекси - 205.

2008 йил – Ёшлар йили

ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Ёшларнинг таълим олишлари, меҳнат қилишлари, турмуш шароитларини яхшилаш каби масалалар устувор вазифага айланди. Жумладан, Республика Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони фикримизнинг далилидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар юқоридаги Фармон ижросини фаоллаштиришга хизмат қилаётди. Шу йўналишда Ангренинг 2/2-даҳасидаги қурилиши тугалланган иккита тўрт қаватли турархона биноси шахар ҳокимининг қарорига мубофиқа реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирланди. Натигада жами 120 та янги квартирага ёш оилалар кўчиб ўтишди.

Бу ҳаракатларда аввало банкларнинг алоҳида ўрни бор. "Узсаноатқурилиш" банки томонидан бугунги кунда 6 та 48 хонадонли кўп қаватли уйни таъмирлаш учун 350 миллион, мазкур банкнинг Ангрэн шаҳар филиалидан эса 802 миллион сўм миқдорда ипотека кредити ажратилди. Табиийки, бу маблағлар ҳозирги кунда шаҳардаги турархонага эҳтиёж сезган яна қўллаб-ёш оилалар учун сарфланди. Бундан ташқари, ёш оилалар замонавий уй жи-

ҳозлари, шунингдек, чорва молларини сотиб олишда ипотека кредитларидан кенг фойдаланмоқда.

"Микрокредитбанк"нинг шаҳар филиали томонидан шу йилнинг ўтган даври ичида 15 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Халқ банкнинг шаҳар бўлими уй-жой учун ёш оилаларга 30 миллион сўмлик кредит берди. Ёш оилаларнинг янги квартираларга кўчиб ўтишлари, замонавий жиҳозлар сотиб олишлари учун шу тарафга кенг имкониятлар яратилди.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларни иш билан таъминлаш давлатимиз эътиборида бўлган бир вақтда шаҳардаги бандликка қўмақлашувчи марказ ва коллежлар билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинапти. Биргина 2007-2008 ўқув йили якунидан сўнг шаҳарда 200 дан зиёд ёшлар ишга жойлаштирилди.



«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўқув юрларида, коллеж ва мактабларда «Ёшлар боғи» ташкил этиляпти. Айниқса, мактабларда қишки спорт залларини қурилаётганлиги, мавжудларининг эса қайта таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги ҳам айни мuddада. Мақсад – ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан етук, ҳаётга қатъий эътиқод руҳида тарбиялашга қаратилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш. Зеро, юрт иши ва меҳри ила ёниб яшаш ижодкор ва изланувчан ёшларга хос фазилатдир.

Нафиса МАДАМИНОВА,
«Камолот» ЁИҲ Ангрэн шаҳар кенгаши қoшидаги Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази ходими.

ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

ИНСОН учун ҳаётда ўз ўрнини топишдан ҳам юксак бахт бормикан? Ҳар бир ёш ўсиб-ўлғайгани сари шу ҳақда ўйлаши, интилиши табиий. Шу мақсадда ўқийди, ўзига маъқул бирор касб-ҳунарнинг бошини тутишга ҳаракат қилади.

Мустақиллик йилларида биз ёшлар учун бу борада катта имкониятлар очилди. Жумладан, қанча-қанча мактаблар, лицейлар, коллежлар қурилди, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ёшлар йилида бу жараён янада кенг қўлам билан давом этаётди.

Узимизнинг Гулбахор санoат касб-ҳунар коллежимиздан қиёс. Бу билим ва касб-ҳунар қoшонаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мустақиллик йилларида бунёд этилди. Коллежимизда ёшлар етти йўналиш бўйича билим олиб, касб малакасини эгаллашмоқда. Ҳисоб, молия, инноватика ва ахборот технологиялари, автотранспорт, қишлоқ ҳўжалик машиналари ва уларга хизмат кўрсатиш сингари йўналишлар бўйича ўқитиш тугатган йигит-қизлар бугун Янгийўл, Чиноз туманларидаги муассаса, қорхона ва ташкилот-

ларда меҳнат қилишаётир.

Бу йил коллежимизни 280 йигит-қиз битириб, кичик мутахассис дипломини олди. Уларнинг асосий қисми бугун ишга жойлашди. Жумладан, Мадина Рихсибоева Янгийўл туман ҳокимлигида, Гулноза Абдуғаниева "Пахтабанк"нинг туман бўлимида иш бошлашди. Ўқитиш йилларида ўзининг ташкилотчилик қобилияти, етакчилик малакасини намoён этган Ёшлoд Мираҳмедов эса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлимида ишга жойлашди.

Битирувчилар ҳаётда ўз ўрнларини топаётганлиги устозларимизнинг тарбияси, коллежимизда ўқитиш ҳам, амалга ошириш ҳам пухта ташкил этилганлигининг самараси деб биламан. Фарoғат Холиқова, Фарид Сайдалиева, Гулбахор Отажoнова, Ҳанифа Ҳaқимова сингари устозларимиз, Нодира



КЕЛАЖАККА ЭҶТИРОМ

Вилоят ички ишлар бошқармаси қасаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши ҳамда "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилиги болалар жағфармаси билан ҳамкорликда навбатдаги хайрия тадбирини ўтказди. Хизмат вазифасини бажариш чоғида халoқ бўлган ходимларнинг 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 47 нафар фарзандига мактаб ўқув қуроллари топширилди. Тадбирда сўзга чиққан ота-оналар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Мунира ДУРУМБЕТОВА,
Гулбахор санoат касб-ҳунар коллежи битирувчиси.

КЕЛАЖАГИМИЗ эгалари бўлган ёшларнинг или олиши, хунар эгаллаши, баркамол инсонлар бўлиб қамол топишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мустақиллик байрами кунлари, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан хизмат вазифасини ўташ вақтида халoқ бўлган ходимларнинг мактаб ёшидаги фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш ҳам яхши ағъана бўлиб қолди.

КЕЛАЖАККА ЭҶТИРОМ

Вилоят ички ишлар бошқармаси қасаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши ҳамда "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилиги болалар жағфармаси билан ҳамкорликда навбатдаги хайрия тадбирини ўтказди. Хизмат вазифасини бажариш чоғида халoқ бўлган ходимларнинг 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 47 нафар фарзандига мактаб ўқув қуроллари топширилди. Тадбирда сўзга чиққан ота-оналар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Хуршид РЎЗИЕВ.

ТИББИЙ САВОДХОНЛИК КУНИ

ЧИРЧИКДАГИ 2-шифоҳонада "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган "Тиббий саводхонлик кунини"да шаҳардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, маҳалладан таклиф этилган ёш оилалар қатнашди.

Тадбир давомида шифокор мутахассисларнинг оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ёшларни турмушга тайёрлаш, она ва бола саломатлигини асраш каби мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Мунаввара РАЖАББЕКОВА.

Ислоҳот меваси

ЁШЛАРГА МУНОСИБ ТУҶФА

БУГУН неча-неча ёш йигит-қизларимиз қалби қувончга тўлган, хурсандчилигининг чеки йўқ. Сабаби, бир жиҳатдан улар коллеж талабаси бўлган бўлсалар, иккинчидан қишлоқ шароитида кўркам, замонавий янги коллежда таҳсил оладилар. Шўқрлар бўлсинки, бу мамлакатимизда қарор топган осийшталик, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва раванқ топтириш йўлида собитқадамлик билан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.


Ҳар жабҳада бўлгани каби юртимизда билимга чанқoқ ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун мақсадли амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, туманимизда янги қурилиш ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежининг барпо этилиши келгусида минглаб ёшларимиз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, касб-корли бўлишлари қулай имконият яратади. "Бунёд-коркурилиштаъмир" хусусий қорхонаси қурувчилари бунёд этган бу билим маскани ҳар жиҳатдан қулай, барча шарт-шароитларга эга. Қувонарли жиҳати шундаки, энди фарзандларимиз ҳеч бир олий таълим муассасаларидан қолишмайдиган ўқув жиҳозлари билан таъминланган кенг ва ёруғ ўқув хоналарида билим олишади. Коллеж қурилиши учун манзилли дастур асосида давлат бюджетидан 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилди.

Коллежимизда таҳсил беш йўналишда олиб борилади. Молия, бухгалтерия ҳисоби, қурилиш ишлари, газ таъминоти тизимларини жиҳозлаш ва таъмирлаш ҳамда дурадгорлик ва паркет ишлари йўналишлари

шулар жумласидандир. Муассасамиз 540 уринга мўлжалланган бўлиб, дастлабки ўқув йилидан 270 нафар йигит-қиз қабул қилинди. Талабаларимиз пухта билим олишлари учун ҳар бир ўқув фанларидан зарур воситалар, очик ва ёпиқ спорт заллари, 150 уринли фаол зал, 150 уринли амалиёт хонаси тўла жиҳозлаб қўйилди. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларини маъмуний ўтказишлари учун маънавий ва маърифат хонаси, ахборот-ресурс маркази мунтазам фаолият олиб боради. Яна бир имконият шуки, газ таъминоти тизимларини жиҳозлаш ва таъмирлаш йўналишида талабаларимиз "В" ва "С" тоифаларида ҳайдовчилик гувоҳномаларига ҳам эга бўлишади.

Албатта, яратилаётган барча қулайлик ва имкониятлар ижтимоий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг мевасидир. Бу маскан ўғил-қизларимиз учун байрамона туҳфа бўлди.

Барно ҲАМИДОВА,
Ўртачирчиқ тумани қурилиш ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежи раҳбари.



СУРАТАЛАРДА: коллеж биносининг умумий ва ички кўриниши.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАМЛАКАТИМИЗДА 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат уюмлаштириш дастурига мубофиқ таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

ЯНГИЛАНГАН МАКТАБЛАР

Айни кунларда вилоят шаҳар ва туманларида дастурга киритилган қўллаб-қувватлаш бўлимида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, улар фойдаланишга топширилди.

– Дастур режасига мубофиқ жорий йилда учта мактабда капитал реконструкция, бешта-сида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, – дейди Зангиота тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев. – Ушбу масканларда зарур жиҳозларни ўрнатиш билан бирга ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Зангиота қишлоқ фуқаролар йигинида янги 34-мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олти юз ўринга мўлжалланган мактабни "ССК-3" очик акциядорлик жамяти қурувчилари бунёд этди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

«ВАТАН – ЮРАКДАГИ ЖАВОҶИР»

ЮКОРИЧЧИК туман йўллардан фойдаланиш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллик байрами кунлари ўтказилган адабий-бадний кеча шундай номланди.

У Халқ-демократик партияси туман кенгаши томонидан ташкил этилди. Шоир Темур Ўбайдуллаев, кўшиқчи-шоир Нуриддин Аминжонов она-Ватан, ва унинг мустақиллик йилларида гуллаб-яшнаётгани ҳақида сўзлаб, истиқлол ва она юртини мадҳ этувчи шўрларидан ўқиб берди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Ифтихор

Агар мендан, ўзбекдек меҳмондўст, қўли очик, меҳри дарё, болаон халқ яна борми, деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай "Йўқ" деб жавоб берган бўлардим. Бу, шу халққа, шу юртга бўлган чексиз муҳаббатим белгисидир. Мен шу тупроқда туғилиб усанман. Ватанга, юртга садоқатни илк бор маҳаллада ўрганганман.

Чирчиқ санoат шаҳри бўлганлиги боис бу ерда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳаммамизнинг бошимизни қoвўтирган ҳам шу халқ. Рус маданияти маркази бўлишига қарамай, бизларга бошқа миллат вакиллари ҳам тез-тез келиб туради. Уларнинг муаммоларини қўлимиздан келганича ҳал қилиб берамиз. Ҳаммамиз бир оила, шу Ватанимиз фарзандларимиз; уйимиз эса Ўзбекистон. Уни асраб, авайлаб, обод қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шаҳардаги ҳеч бир байрам тадбири

бизсиз ўтмайди. Марказимизда рақс, қўшиқ, расмочилик каби тўғрақлар мавжуд. Бу ерда ҳақиқий истездоқлар етишиб чиқмоқда.

Ватанимиз Мустақиллиги-

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Марказимиз жамоаси ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга бел боғлаган. Бундан бир йилча олдин маданият маркази "Ёшлар қаноти" ташкил этилди. Мўким жойи бор ушбу тузилма ёшлар билан иш-

нинг 17 йиллигига катта тайёргарлик кўрдик. Байрам концерт-дастуримизни элга намойиш этдик. Базан қизларимизнинг бежирим кийимларини кўрганлар марказимизга жуда бўш қилишди. Мен ҳам бундан келмадим. Ҳа, маданият маркази-

миз бой, чунки бу ерда чинакам иқтидор эгалари кўп. Қизларимизнинг кийимларини ўз қўларимиз билан тайёрлаймиз. Шаҳардаги қорхоналардан чиққан тайёр маҳсулотларни олиб, қайта ишлаб берамиз. Агар инсон чин дилдан Ватанини севса, бу муҳаббат унинг юрши турши, ҳаракатларида ҳам намoён бўлмоғи керак. Ахир, ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда. Фақат бунга озгина эътибор, меҳр бағишласак, шунинг ўзи етади. Биз бугун марказимизга ана шундай изланувчан инсонларни тўплаймиз. Истаганлар бу ерга келишлари, биз билан ҳамкорлик қилишлари мўмкин. Ахир, Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз.

Людмила МУҲАММАДИЕВА,
Чирчиқ шаҳар рус маданият маркази раҳбари.

Дил изҳори

КАСБИМДАН МАМНУНМАН

ИЛК БОР трактор рулига ўтирганимизда ёшгина йигит эдим. Салкам ўттиз йил изғиринли кунларда, қуёш тигида далада меҳнат қилишнинг ўзи бўлмади. Лекин мен танлаган касбимдан мамнунман, ишимдан ўзим завқланаман. Касбимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Юртимиз дехқонлари эришаётган зафарлар, элимиз омборлари доғга, хирмонлари пахтага тўлиб-тошганини кўриш, бунда озим-қўлим ҳисоаб борлигини ҳис эттиш менга бир олам хузур, ифтихор бахш этади. Базан, бошқа соҳа вакили бўлганимда, жамиятга бугунгидек ҳалол ва ҳолис хизмат қила олмас-мидим, деб ўйлаб қоламан.



Аммо, ҳалол, виждонан меҳнат қилсангу, уни ҳеч қим қадрламаса, эътироф этмаса – бундан ёмони йўқ. Таассуфки, ана шундай даврларни ҳам кўрдик. Меҳнат қилган ўнг қўлу, тилла соатни чап қўл тарафди. Бугун замон ўзгарди, меҳнат қилган, интилиб яшаган борки, кам бўлмапти.

Бугун ер – дехқонники. Барча имкониятлар, имтиёзлар дехқон манфаатига хизмат қилаяпти. Шу сабаб, эндиликда ер эгаларининг ўй-хаёли, орзу-интилиши, мақсади тамоман янғича. Бундай шароитда техника ҳам, уни бошқарувчи механизматорнинг ҳам қадри юксалди, таъбир жоиз бўлса, фермернинг

иқки қанотига айланди. Мен Истиклол йилларида, айниқса, фермерлик кенг қулоқ ёя бошлаган кейинги кезларда амин бўлдимки, оддий инсон фақат меҳнати, пешона тери билан ҳам тўқ ва фаровон яшаши, чиройли ўйлар қуриши, тўйлар қилиши мўмкин экан. Бунини ўзимиз, оддий халқшўқоқларимиз мисолида айтишаман. Аслида дехқонга кўп нарсаси керак эмас. Бошқарувимиздаги "Магнум" юриб турса, иш бериувчилар ишончини йўқотмасам, ери шўдгорлашдан тортиб, галла, пахта ҳосили йиғиб-териб олинганча, фермерлар мушкулени осон қилсам

бас. Мен учун энг катта бахт, ҳаётим маъмуни шу. Шу гапларни қанондир, кингадир айтгим келарди. Бугун катта байрам кунлари мавриди келди. Негаки, жуда бахтиёрман. Шунча йиллик камтарона меҳнатимиз муҳтарам Ўзбекистонимизнинг назарига тушиб, менга давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – "Шўҳрат" медали берилди. Бундай эътибор биз учун қутилмаган соғва бўлди. Шунданми, оиламиз билан жуда ҳаяжондамиз.

Муҳаммад БЕРДИЁРОВ,
"Оққўрғон МТП" хиссадорлик жамяти механизатори.

БУГУН БАЙРОҚ БИЗНИНГ ҚўЛДА

МУСТАҚИЛЛИК – бу бизнинг гуруримиз, ифтихоримиз, шону шўҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир. 1991 йилнинг 31 августида азалик орузимизга – миллий мустақилликка эришдик. Бу XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси эди. Мазкур тарихий воқеа давлатимиз йилномаси-

зандлари, невараларининг, келажақ авлодларининг тақдирини ҳам Ўзбекистоннинг ўтмиш давридаги ўзига хос ва ўзига мос йўлига боғлиқ эканлигиндан келиб чиққанди. Республика танг ҳолатларни тезроқ бартараф этиши, яқка-

жохимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши керак эди. Мустақиллик шарофати билан ёшлар учун қанчадан-қанча имкониятлар яратиб берил-

моқда. Жумладан, умумтаълим соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, спортимиз ҳар томонлама ривожланиб бораётди. 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам биз ёшларга билдирилган ишондан дарак.

Мустақиллик бизга – тинчлигимизни, эркимизни, ўзлигимизни, тарихимизни ва шу билан бирга ўзбек халқининг ҳеч қимдан кам эмаслигини ва ҳеч қимдан кам бўлмаслигини ҳажонга кўрсатиш имконини берди. Биз ёшлар бу эътибор ва ғамхўрликлардан ўзимизга

тегишли хулосалар чиқариб, Юртбошимиз ишончини оқлаш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, Ватанимиз тинчлиги учун хизмат қилиш, унинг байроғини баланд кўтаришга даъват этилганмиз. Ўзбекистон номини бутун дунёга танитиш – бу ҳар биримизнинг бурчимиз ва вазифамиз эканлигини чуқур ҳис қилиб яшашимиз лозим.

Улўбек МИРЗАЕВ,
вилоят фарқулода вазиетлар бошқармаси етакчи мутахассиси.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ЮРТ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ХИТОЙ Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида 8-24 август кунлари ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда қабул қилинган "Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли пул мукофотлари билан тақдирланди.



Муш медал келтирди. Ававалги Олимпиада ўйинларида медаллар спортнинг асосан бокс, дзюдо, эркин ва юнун-рум кураши каби турлари бўйича қўлга киритилган бўлса, Пекинда спорт гимнастикаси устаси Антон Фокин ва трамплинчи Екатерина Хилько ҳам шохсупанинг

учинчи погонасидан жой олди. XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбекистон олимпиада терма жамоаси таркибига ёш спортчиларнинг қўлиги бўйича ҳам мухлису мутахассислар эътиборини қозонди. - 2008 йилги Олимпиада ўйинлари ўзбекистонлик

спортчилар учун муваффақиятли бўлди, - дейди Абдулла Тангриев. - Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликка жавобан биз навбатдаги китъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Олимпиада ўйинлари, шохсупасига кўтарилгани болалигимдан орзу қилар эдим, - дейди Екатерина Хилько. - Саккиз йил муқаддам Сидней Олимпиадасида тўртинчи ўринни эгаллаган бўлсам, Пекинда мақсадимга эришдим - бронза медал соҳибаси бўлдим. Бу муваффақиятим замирида Ватанимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мўжассам эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Мукофотланган спортчилар давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байрогини сарбаланд этишларини алоҳида таъкидладилар.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов топширди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, Ўза муҳбири.

Бўйи ва эни бўйлаб 1 дан 9 гача бўлган сонлар, шунингдек, 9 та 9 хонали ажратилган блокларда ҳам 1 дан 9 гача бўлган рақамлар такрорланмаслиги шарт.

Grid 1: 5 9 2 3 6; 9 2 6 1 7; 3 6 5 7 1 8

Grid 2: 9 5 3 7 8; 2 8 3 9; 7 3 5 6; 7 6 8 4; 1 8 4 6 5; 4 2 3 5 9 7; 8 3 9 6 2 3 6

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

БУ ҚИЗИҚ, ЕВРОПАЛИКЛАР СЕВГАН МАВЗУ

Инглиз ёзувчиси Себастьян Фолкснинг қаламига мансуб "Иблисга барибир эмас!" китоби сотилиш бўйича рекорд ўрнатди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Жеймс Бонд - "Агент-007" ҳақидаги ушбу янги китоб сотувга қўйилиши билан тўрт кун ичида унинг қирқ тўрт мингдан зиёд нусхаси сотилган.

Хабарларга қараганда, шу вақтгача ҳали ҳеч қайси китоб бундай кўп нусхада сотилмаган экан. Асарни чоп этган "Пенгуин" нашриёти вакилларининг сўзларига кўра, ушбу роман ҳаётлиги ва саргузаштларга бойлиги билан ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

ТЕАТРДА ЯНГИ МАВСУМ

ЎЗБЕКИСТОН ёшлар театри янги мавсумни "Ёттинчи тарих" мусикали спектакли билан бошлашни режалаштирган.

Сентябрнинг иккинчи ярмида очилган янги мавсумга тайёргарлик кўнгилда-гидек кетаяпти. Театр жамоаси ушбу мавсумда томошабинларга машҳур рус ёзувчиси Лев Толстойнинг "Холстомер" асари асосида сахналаштирилган спектаклни ҳам намойиш этишни кўзда тутмоқда.

Таъкидлаш лозимки, театрнинг ёш ва иқтидорли актёрлари қўллаб-қувватлашга бўлган эътибори театр мактабининг ўзига хос жиҳатларини муносиб намойиш қилиб келишмоқда. Жумладан, Г. Сулаймонова, Н. Уктамова, А. Цой ва А. Қодратенколар МДХ давлатлари театрларининг ёш актёрлари ўртасида сентябрь ойида Серпухово шаҳрида бўладиган халқаро фестивалга таклиф этилган. Ёш актёрлар бу нуфузли анжуманга Фафур Фуломнинг "Шум бола" асари асосида сахналаштирилган спектаклни тайёрлашмоқда.

Янги мавсумда томошабинларга янги саҳна асарлари тақдим этиш йўлида ҳам қизгин иш олаб боришмоқда.

"Туркистон-пресс"

Чиноз туманидаги 6-сонли ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Юлей Эдуард Васильевич номига берилган № 405675 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2008 йил 2 июнда берилган "Ипотекбанк" АТИБ С. Раҳимов филиали жағрама кассалар бўлимига қарашли 2-сонли жағрама касса муҳри қўйилган уч нуҳадан иборат бўлган ИРВ 3343337-3343350-0402005 (форма 430) 14 донна қвтанция йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьянний диплом выданный Ташкентским институтом культуры на имя Назаровой Мавжуды в 1994 г. № 060864 (регистр. № 333). СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Вилоят хокимлиги жамоаси хокимнинг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Турсунбой Қомиллова укаси Шухрат КОМИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Аллома АЗИЗОВА.

Кўлганга нима етсин

Пиво бари ходимаси доимий мижозига: - Агарда эрим бўлганингизда, пивоингизга захар қўшиб берардим, - деди. - Агар сизнинг эрингиз бўлганимда, мен уни ўйла-масдан ичиб юборар эдим, - дея жавоб берди у.

Навбатдаги жанжалдан сўнг хотин эрига деди: - Ҳаммаси жонимга теғди! Онамни кетаман! Аммо, огоҳлантириб қўй, биз ҳали қайтиб келамиз!

Ташкентский областной Совет ОКП Узбекистана объявляет конкурс на замещение вакантных должностей сотрудников по программе "Подготовка населения и учащихся школ к ЧС" в Ахангаранском, Бостанлыкском районах и в городе Ангрене.

Требования к кандидатам: - опыт работы в обществе Красного Полумесяца; - наличие высшего педагогического или инженерского образования.

Утерьянний диплом 03 № 005797 о присвоении ученого звания «Доцент», выданный ВАК РУз от 24 апреля 2008 г., протокол № 144/1, регистрационный № 4752/на имя Бабаходжаевой Лолы Маратовны. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Одамийлик шеваси

Ходимларнинг кўнгилдан ўтаётган "Янги раҳбар қандай одам экан" деган қизиқишни Милоҳат бироз ҳадик билан қарши олди. Чўки у аввалги бошлиғи билан ёмон ишламади, балки ипақдек мулоийи Шавкат ақанинг оталарча меҳрибонлигига ўрганиб ҳам қолган, масъулиятни яхши англагани боис, катта жамоа билан ишлашга тез кўникиб кетган эди.

Шундай раҳбарнинг пенсияга чиқишига икки йил қолганда ишдан бўшаб кетгани яхши бўлмади-да. Айтишларича, "тепадан келаётган" раҳбар ёш, уйда-бурон, шу билан бирга қаттиққўл эмиш. Хозир ходимларни махлисдор залига йиғиб, янги раҳбар билан таништиришпти. Фақат Милоҳатгина телефон кўнгириларида жавоб бериш учун қабулхонада ёлғиз қолган. Чорак соатларда йиғилиш тугаб, ҳамма тарқала бошлади. Бошлик муовини янги раҳбар ва у билан келган яна икки кишига барча хоналарни кўрсатиб бўлгач, энг охири қабулхонага киришди.

Милоҳат ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб, меҳмонларга салом берди. Алик ўрнига "саломалайкум" дан кейин ҳамма ичкарига кириб кетди. Милоҳат эса уларга тузукроқ қарашга ҳам улгуролмай қолди. Зум ўтмай, муовин меҳмонларни кузатиб қўйиш учун ташқарига чиқиб кетди. Демак, ичкарида янги бошлиқнинг ёлғиз ўзи қолган.

Нима қилсам экан, чой дамлаб кирсамикан ёки ўзи чақирисини кутайми, - ўйлаб бошлади Милоҳат. - Шавкат ака қандай одамлигини билганин учун у билан ишлашингга рухсат бергандим. Лекин бу бошқа раҳбарнинг котибаси бўлишингга розилигим дегани эмас. Сенинг топандиган 3-4 сўм пулинг унинг ортидан келадиган гап-

сўзлардан кўра қимматга тушадиган бўлса...

Милоҳат бугун эрталаб эридан эшитган шу гапларини эслаб, хаёлга толган экан, телефон овозидан чўчиб тушди.

- Лаабай. - Бош ҳисобчига айтинг, йиллик сметани олиб келисин! - Бу янги раҳбарнинг овози эди. - Узингиз эса ҳўзуримга кириг.

- Ҳўп бўлади. Милоҳат гўшақни жойига қўйиб, икки телефон орқали ҳисобчига раҳбарнинг гапини айтди. Сўнгра ён дафтариини олди-да, минг ҳадик билан эшикка яқинлашди. Милоҳат ўзини қўлга олишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, қўлини тутқичга чўзганда оёқлари ўзига бўйсунмай, қалтиради.

- Мумкинми? - Милоҳат овозидаги титроқни ўзи ҳам сезди.

- Кириг. Котиба поядоздан кўзини ўзмай, "ўтириг" буйругини кутарди.

- Милоҳат бўлсангиз керак, шундайми?

- Қўққисдан берилган саволдан кейин Милоҳат ялт этиб бошлиққа қаради. Қаради-ю...

- Вой, тавба. Мана бунчи кутилмаган учрашув деса бўлади. Бу сизимдингиз?! Исми шарифингизни ўқисам ҳам танимаганимни қаранг-а? Ўзгариб кетибдиз.

Орадан ўтган 15 йил бу икки синфдошни бир-бирлари билан сизлаб гаплашишга мажбур этганди. Тўғри-да, ахир Сарварнинг қаршида бундан 15 йил олдинги шўх, шаддоод қиз эмас, анчайин босик, ким-

га қандай гапиришни билмадиган, оиласини орияти билан тенг билувчи аёл турганди. У бугун савлатли, боқишлари ўзига ярашадиган, овозаси ўзидан олдин етиб келган раҳбар билан рўбарў келганди. Унинг кўзларидан мактаб давридаги ошқ йилитнинг дардини эмас, раҳбарларга ҳос қатъиятни ўқиб мумкин.

Тушлиқдан сўнг Сарвар Милоҳатни ишхонага таш-

билан қадамма-қадам юриб, машинанинг эшигини очди. Улар йўл-йўлақай синфдошлик пайтларидаги воқеаларни эслашди. Тушлиқ пайтида ҳам шу мавзу давом этди. Сарвар янги ишга келгандан бери Милоҳат билан биринчи марта жуда самийий гаплашди.

Тушлиқдан сўнг Сарвар Милоҳатни ишхонага таш-

бир қадар содда бўлса ҳам ўзининг йиғитлик гурури, Милоҳатнинг эса қизлик шаънини эҳтиёт қиларди. Фақатгина битирув кечаси Сарвар Милоҳатга Эркин Хобидовнинг "Муҳаббат" китобини совға қилиб, икки энлик хат ҳам ёзганди: "Муҳаббат" меники эди. Энди уни сенга совға қиламан".

Милоҳат хонасига кириб, тушлиқдан олдинги ишларини давом эттирди. Собик синфдошлар муносабати қандай самийий бўлса, раҳбар билан ходим ўртасидаги иқтидорлик ҳам шундай давом этарди. Кўпчилик аёллар табиғатига хос бўлган дўстликни қадрлай билиш фазилати Милоҳатни ҳам четлаб ўтмаганди. У Сарвар билан муносабати доимо самийий бўлиб қолишини истарди. Сарварнинг дунёқарашига эса бироз бошқачароқ. Унинг фикрича эркак билан аёл ўртасида дўстона муносабат бўлиши мумкин эмас.

Байрам арафасида Сарвар Милоҳатга қимматбахо занжир совға қилмоқчи бўлиб, қулай фўрсат кутарди.

- Менда ишингиз йўқми, бугун барвақтроқ кетсам дегандим, - деди Милоҳат иш туғашига 2 соат қолганда Сарварга юзланаркан.

- Ҳа, бемалол. Фақат эртага ишдан кечроқ кетиш шарти билан-да. Сизни эртага байрамолди зиёфатига таклиф қилмоқчиман.

- Зиёфатга? У ерда яна кимлар бўлади? - ажабланиб сўради Милоҳат.

- Бўёғи билан ишингиз бўлмасин, ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Дарвоқе, мен яхши ходимларни қадрлайдиган раҳбарман.

УЧРАШУВ



Орадан икки ҳафта ўтди. - Тушлиққа кетяпсизми? - сўради Сарвар бир кун икки кўнгирилган Милоҳатга дуч келиб... - Ҳа, менда ишингиз бормиди? - Йўқ, йўқ. Сизга ҳамроҳ бўлсам, демокчийдим. Фақат қарши бўлма-сангиз... Милоҳат индамади, "Суккут аломати - ризо" деганларидек, Сарвар Милоҳат

лаб, ўзи бошқармага кетди. Милоҳат зинадан охишта кўтарилар экан, 15 йил олдинги қадрдон дўстини қайта топганди бўлди. Чиндан ҳам Сарвар билан Милоҳатнинг дўстлигига кўпчилик ҳавас қиларди. Улар бир неча йил мактабга бирга қатнаб, бир партада ўтириб ўқишди. Лекин ҳеч ким уларни "севишганлар" деб гап чиқармаган. Чўки Сарвар

TOHKENT HAQIQATI, Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida, Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchasi, 32. Gazeta "Toshkent haqiqati" taхiriyaṭi kompyuter markazida teriladi va saхifalandi.